*Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!*

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

2012 йил
26 май
ШАНБА
№ 41
(12.469)

1928 йил 11 декабрда асос солинган | **Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси** | www.th.uz

**ВИЛОЯТ КЕНГАШИНИНГ СЕССИЯСИ**

## ЯНАДА САМАРАЛИРОҚ ИШЛАМОҚ КЕРАК

**Халқ депутатлари вилоят Кенгашининг навбатдаги сессияси бўлиб ўтди. Унда вилоят ҳокими ўринбосарлари, ҳокимлик гуруҳ раҳбарлари ва котибият мудирлари, сиёсий партия гуруҳлари, бошқарма ва ташкилотлар раҳбарлари, шунингдек, сессия кун тартибига қўйилган масалаларга алоқадор идоралар вакиллари иштирок этди.**

**Сессияни Халқ депутатлари вилоят Кенгаши раиси, вилоят ҳокими Рустам Холматов бошқарди.**

Сессияда қатор масалалар кўриб чиқилди. Жумладан, Олий Мажлис Сенатининг амнистия тўғрисидаги қарорининг вилоятдаги ижроси муҳокама этилди. Таъкидландики, қарор ижроси юзасидан 2624 киши муддатидан илгари озодликка чиқарилди. Улар соғликларини тиклашлари ва ишга жойлашишлари учун ҳамкор ташкилотлар зарур чоралар кўрди.

2012 йилнинг биринчи чорагида мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурининг энг муҳим устувор вазифаларини амалга ошириш юзасидан Марказий банкнинг вилоят бош бошқармаси ахборотида айтилишича, вилоятдаги тижорат банклари кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 1,5 баравар кўп, яъни 92,9 миллиард сўм маблағ йўналтирилди.

Вазирлар Маҳкамаси тасдиқлаган "Иқтисодий ночор, кам қувватли ҳамда ишлаб чиқариш фаолиятини кенгайтириш учун банк кредитларига эҳтиёжи бўлган корхоналар бўйича чора-тадбирлар"га мувофиқ тижорат банклари йилнинг биринчи чорагида 42 та лойиҳага 59,1 миллиард сўм кредит ажратди. Шу даврга мўлжалланган режа 154 фоиз бажарилди. Бироқ, бу борада ҳали кўплаб имкониятлардан тўла фойдаланилмаётганлиги йиғилганлар томонидан таъкидланди.

Истеъмолчиларга етказиб берилган газ ва электр қуввати учун тўловлар ундирилишининг аҳволи ҳам таҳлилий ва танқидий руҳда муҳокама этилди. "Тошкент электр тармоқлари" ва "Тошвилоятгаз" корхоналари ахборотларида қайд этилганидек, бу борадаги аҳвол ҳали кўнгилдагидек эмас. Айниқса, Бекобод, Оққўрғон, Зангиота, Чиноз туманларида қарздорлик юқорилигича қолмоқда. Бекобод туманида газ ва электрдан ўзбошимчалик билан фойдаланиш ҳоллари учрамоқда.

Сессияда янги иш ўринларини ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури ижроси ҳамда касб-ҳунар коллежларида мутахассислар тайёрлашни яхшилаш, корхона ва ташкилотларда ишлаб чиқариш амалиётларини ташкил этиш ва битирувчиларни ишга жойлаштириш масаласи ҳам кенг муҳокама қилинди. Таъкидланганидек, аксарият янги иш жойлари статистика маълумотларига кирмай қолмоқда. Айниқса, қишлоқ хўжалиги ва сервис хизмати соҳаларида бу яққол сезиляпти.

Республика Президентининг "2011-2015 йилларда инфратузилмани, транспорт ва коммуникация қурилишини ривожлантиришни жадаллаштириш тўғрисида"ги Қарори ва Вазирлар Маҳкамасининг "2012 йилда умумий фойдаланишдаги ва ички хўжалик автомобиль йўлларини таъмирлаш дастури тўғрисида"ги қарори ижроси ҳамда вилоятдаги қишлоқ аҳоли пунктларини ичимлик суви билан таъминлашни яхшилаш юзасидан қўшимча тадбирларнинг бажарилиши ҳам сессияда кўриб чиқилди. Оққўрғон, Қуйи Чирчиқ, Ўрта Чирчиқ туманлари йўл қурилиши ва таъмирлаш корхоналарининг фаолиятига танқидий баҳо берилди.

Сессияда, шунингдек, муқобил энергиядан фойдаланиш йўли билан атроф-муҳитни ортиқча ифлосланишдан муҳофаза қилиш масаласи ҳам муҳокама этилди. Шунингдек, сессияда ташкилий масалалар ҳам кўрилди.

Муҳокама этилган барча масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

**СЎНГГИ ҚЎНҒИРОҚ**



## ОҚ ЙЎЛ СИЗГА, БИТИРУВЧИЛАР!

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан амалга оширилаётган Кадрлар тайёрлаш миллий дастури жамият ҳаётининг барча жабҳалари учун юқори малакали, юксак ижодий-интеллектуал салоҳиятли мутахассисларни тарбиялаш ва шу асосда ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маърифий соҳаларни янада равнақ топтиришда муҳим омил бўлмоқда.

Кеча – 25 май куни эрта тонгданоқ юртимиздаги барча умумтаълим мактабларида ўзгача шодиёналар бошланди. Анвойи гуллар кўтарган ўғил-қизлар ота-оналари билан қадрдон мактабларига ошиқдилар. Бу кун билимга чанқоқ, беғубор орзулар қанотидаги ёшлар, уларнинг ота-оналари учун чин маънода байрамга айланди. Вилоят халқ таълими бошқармасидан маълум қилишларича, якунланаётган ўқув йилида шаҳар ва туманлардаги 885 та умумтаълим мактабининг 9-синфини 44 минг 532 ўқувчи битиради.



– Бугун барчамиз ҳаяжондамиз, – дейди Янгийўл туман 1-ўрта умумтаълим мактаби битирувчиси Достон Ўткиров. – 143 битирувчига таълим берган устозларга раҳмат айтамиз. Улар бизларни Ватанга содиқ комил фарзандлар қилиб тарбиялашди, пухта билим беришди. Бунинг учун улардан миннатдормиз.

– Мактабимизда 1234 ўқувчи тўла-тўкис таълим олиши учун кенг ва шинам синф хоналари, ахборот-ресурс маркази, маънавият хонаси, спорт зали ўғил-қизлар ихтиёрида, – дейди шу мактаб раҳбари Сайёра Иноғомова. – Бу юртимизда ёшлар тарбиясига берилаётган катта эътибордан дарак.

Мактабларда қалбларга ҳис-ҳаяжон бағишлаб, сўнгги қўнғироқ садоси янгради.

**Юлдузхон МУҲИДДИНОВА,**
**"Тошкент ҳақиқати" мухбири.**
**Даврон АҲМАД олган суратлар.**

**ИСТИҚЛОЛ БЕРГАН ИМКОНИЯТ**

## ИМТИЁЗЛАР ЁРДАМИДА ТАДБИРКОР БЎЛДИМ

*дейди бўстонлиқлик Гулчеҳра Зокиржонова*

Тадбиркорлар учун яратилаётган имтиёз ва имкониятлар, кўрсатилаётган эътибор ва ғамхўрлик натижасида чекка қишлоқларда ҳам илғор технологиялар асосида иш юритадиган корхоналар кўпаймоқда. Буни Бўстонлиқ туманидаги хусусий тадбиркор Гулчеҳра Зокиржонова фаолиятида ҳам кўриш мумкин.

– Маҳаллий ишлаб чиқарувчиларга яратилаётган имкониятлар ҳамда қулай инвестиция шароити янги корхоналар барпо этишга кенг йўл очмоқда, – дейди "Гулчирой-чевари" хусусий фирмаси раҳбари Г. Зокиржонова. – Шунингдек, мавжуд ишлаб чиқариш корхоналари реконструкция ва модернизация қилиниб, янги ишлаб чиқариш цехлари ва линиялари ишга туширилмоқда.

Гулчеҳра Зокиржонова "Микрокредитбанк"нинг 20 миллион сўм имтиёзли кредити ҳисобидан нон маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган янги корхона фаолиятини йўлга қўйди. Айни пайтда бу ерда бир неча турда нон маҳсулотлари тайёрланмоқда.

– Бир кунда беш минг донагача нон маҳсулотлари тайёрлаш имкониятига эгамиз, – дейди тадбиркор. – Маҳсулотларимизни асосан ҳудуддаги мактабгача таълим муассасалари, умумтаълим мактаблари ва касб-ҳунар коллежларига тарқатаяпмиз. Келажакда корхона фаолиятини кенгайтириш ниятидамиз. Корхона фаолият бошлаши билан маҳалладаги ўнга яқин хотин-қиз иш билан таъминланди.

**СУРАТДА:** Гулчеҳра Зокиржонова (чапдан иккинчи) ишчилар Феруза Жумаева, Дилрабо Дўстқулова, Шоҳида Тўрабоевалар даврасида.

**Собир ЗУФАРОВ олган сурат.**



**2012 йил учун ОБУНА давом этмоқда. «Тошкент ҳақиқати» газетаси индекси – 205.**

## ОИЛА ВА КУТУБХОНА ҲАМКОРЛИГИ

**Республика Болалар кутубхонасида "XXI асрда болалар адабиёти: ёшларни маънавий-ахлоқий тарбиялашда оила ва кутубхона ҳамкорлиги" мавзусида илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди.**

Мустаҳкам оила йили муносабати билан ташкил этилган семинарда ўқувчиларнинг китоб ўқишга бўлган қизиқишини орттириш билан бирга ахборот-ресурс марказлари ва кутубхоналар ва оиланинг яқин ҳамкорлигини йўлга қўйиш кераклиги таъкидланди. Эндиликда кутубхоналар нафақат ўқувчилар, балки уларнинг ота-онаси, устозлари билан ҳам мулоқотга киришиб, уларнинг хоҳиш ва истакларини инобатга олишни йўлга қўйиши мумкин.

**"Туркистон-пресс".**

## НОДАВЛАТ НОТИЖОРАТ ТАШКИЛОТЛАРИ ҲУДУДЛАРНИНГ ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНИШИГА ЎЗ ҲИССАСИНИ ҚЎШМОҚДА

**Фуқаролик институтлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳозирги кунда демократик қадриятлар, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг муҳим омилига айланмоқда, фуқароларнинг ижодий салоҳиятларини руёбга чиқариши, уларнинг ижтимоий, социал-иқтисодий фаоллиги ва сиёсий-ҳуқуқий маданиятини ошириш учун шароит яратмоқда, жамиятда манфаатлар мувозанатини фаол таъминлашда кўмаклашмоқда.**

Мазкур жараёнда нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятининг ҳуқуқий асослари, айниқса "Нодавлат нотижорат ташкилотлари", "Нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятининг кафолатлари тўғрисида"ги, "Жамоат фондлари тўғрисида"ги, "Ҳомийлик тўғрисида"ги ва бошқа қатор қонунлар муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда.

Юртбошимизнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг 2010 йил 12 ноябрда бўлиб ўтган Қўшма мажлисидаги **"Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси"**га бағишланган маърузасида фуқаролик жамияти институтларини шакллантириш ва ривожлантиришга устувор эътибор берилган.

Бугунги кунда мамлакатимизда жамият ҳаётининг турли соҳаларида 5100 дан зиёд нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолият юритмоқда ва бу кўрсаткич 2000 йилга қараганда 2,5 баробар кўпдир.

Шу билан бир қаторда, Ўзбекистонда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенати Кенгашларининг 2008 йил 3 июндаги **"Нодавлат нотижорат ташкилотларини, фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлашни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қўшма қарори**нинг қабул қилиниши билан нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлашнинг ноёб механизми яратилди. Унга кўра Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги ННТ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш **Жамоат фонди** ҳамда Фонд маблағларини бошқариш бўйича **Парламент комиссияси** тузилди.

Асосий мақсад – мустақил нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамияти институтларини янада ривожлантириш, мамлакатда демократик ўзгаришларни амалга ошириш ва жамиятни эркинлаштиришда фаол иштирок этишига кўмаклашиш, молиялаштириш манбаларини шакллантириш учун мустақил тизим ва объектив шароитлар яратишдан иборат.

Олий Мажлис ҳузуридаги ННТ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш Жамоат фонди маблағлари Парламент комиссияси қарорларига асосан нодавлат нотижорат ташкилотларга ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларининг муҳим давлат дастурларини бажаришдаги иштирокини қўллаб-қувватлашга, уларнинг моддий техник базаси ва кадрлар салоҳиятини мустаҳкамлаш мақсадида давлат субсидияси, давлат ижтимоий буюртмаси, давлат грантлари шаклида **2008-2011** йилларда жами **15,4** млрд. сўмдан ортиқ молиявий маблағлар ажратилди.

Мамлакатимизда олиб борилаётган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларнинг устувор йўналишларига мос равишда, Олий Мажлис ҳузуридаги ННТ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш Жамоат фонди томонидан **18** маротаба грант танловлари ўтказилди. Мазкур танловларда **1200** дан ортиқ нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари ўзларининг **1500** дан ортиқ ижтимоий аҳамиятга эга бўлган лойиҳалари билан иштирок этди.

Ҳар бир ижтимоий лойиҳа чуқур таҳлил қилиниб, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор вазифаларидан ва лойиҳаларнинг ижтимоий самарадорлигидан келиб чиқиб, жами **353** та грант лойиҳаси танловларда ғолиб деб топилди ҳамда жами **4** млрд. сўмдан ортиқ миқдорда тўлиқ молиялаштирилди.

Хусусан, 2011 йилда Парламент комиссияси томонидан **5** млрд. сўм миқдордаги маблағ давлат гранти, субсидияси ва ижтимоий буюртмаси шаклида **230** дан ортиқ лойиҳаларни молиялаштиришга йўналтирилди. 2011 йилда **5** та грант танловлари ўтказилди, уларда **600** дан ортиқ ННТ ва фуқаролик жамияти институтлари ўзларининг **700** дан ортиқ лойиҳалари билан иштирок этишди. Конкурс натижаларига кўра, Парламент комиссияси қарорлари асосида ННТ ва фуқаролик жамиятининг **148** лойиҳаси давлат грантлари шаклида **2 млрд. 131,6** млн. сўм миқдорда молиялаштирилди.

**2009-2011** йилларда ўтказилган танловларда **Тошкент** вилоятидан **48** та нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари ўзларининг **51** та ижтимоий аҳамиятга эга бўлган лойиҳалари билан иштирок этган.

Қайд этилган йиллар давомида Парламент комиссияси қарорларига мувофиқ, **Тошкент** вилоятидан ғолиб деб топилган **11** та лойиҳа, жами **122,0 млн. сўм** миқдорида молиялаштирилган.

**(Давоми 2-бетда).**

«Ўзбекистон почтаси» ОАЖ | «ТЕЗ ПУЛ ЎТКАЗИШ» хизмати | Почта алоқаси хизматларидан фойдаланинг! | Тел: 237-21-93; 237-16-24 Сайт: www.pochta.uz; e-mail: oao@post.uz

# НОДАВЛАТ НОТИЖОРАТ ТАШКИЛОТЛАРИ ҲУДУДЛАРНИНГ ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНИШИГА ЎЗ ҲИССАСИНИ ҚЎШМОҚДА

Мазкур лойиҳаларни амалга ошириш натижасида аҳолининг турли ижтимоий қатламлари – аёллар, ёшлар, жисмоний имконияти чекланган шахсларни доимий иш ўринлари билан таъминлаш, уларни кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасига жалб этиш, ҳудудларимизда миллий ҳунармандчилигимизнинг турли шаклларини ривожлантириш, йирик корхоналар билан алоқаларни кенгайтириш ҳамда касаначиликни йўлга қўйиш, касбга тайёрлаш, жамиятда ҳуқуқий ва инсон ҳуқуқлари маданиятини янада юксалтириш, жойларда атроф-муҳит ва аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш, соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, фуқаролик жамияти институтлари тизимида ОАВларнинг ўрни ва ролини мустаҳкамлаш каби йўналишларда талай ижобий ишлар олиб борилган.

Хусусан, **Тошкент** вилоятида **700** нафарга яқин аёллар, ёшлар ва жисмоний имконияти чекланган фуқароларимиз кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг турли соҳаларига жалб этилган. Шулардан **15** таси доимий иш билан таъминланди.

Юқорида қайд этилган ижтимоий қатламларни касбга қайта тайёрлашда ва иш билан таъминлашда, грант лойиҳаларига ажратилган маблағлар ҳисобига **Тошкент** вилоятидан грант соҳиблари бўлган ННТлар томонидан **17 та** замонавий компьютер, **4 та** тикув машинаси ва **26 та** замонавий мебеллар сотиб олиниб, **300 дан ортиқ** фуқаролар замонавий интеллектуал касбларга қайта тайёрланди.

Бугунги кунда жойларда фуқароларимиз ва ННТ ижтимоий фаоллигини янада кўчайтириш, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришда уларни шерик қилиб олиш, фуқаролик жамияти институтларини қўллаб-қувватлашнинг жаҳон тажрибасида камёб бўлган миллий моделимиз имкониятларидан янада кенгроқ фойдаланишимиз мақсадга мувофиқ.

Шу билан бирга, молиялаштирилган лойиҳаларнинг амалга оширилиши самарасини аниқлаш ва пул маблағларининг мақсадли сарфланиши юзасидан мунтазам равишда мониторинг олиб борилмоқда.

Мониторинг натижаларига кўра, **2010** йилда давлат гранти соҳиби бўлган Ўзбекистон ногиронлар жамияти Тошкент вилояти бўлими томонидан **8 000** минг сўм миқдордаги маблағлар мақсадсиз сарфланганлиги аниқланди. Мазкур маблағларни Жамоат фондига қайтариш юзасидан тегишли чоралар кўрилмоқда.

2012 йилда ННТ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларининг муҳим ижтимоий аҳамиятга эга бўлган лойиҳаларини молиялаштириш учун **2 млрд. 626 млн. сўм** миқдорда маблағ ажратилди. Ушбу маблағлар миқдори ўтган йилга нисбатан **23%** га ошганлигини кўрсатади.

Жорий 2012 йилда ННТ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш мақсадида Парламент комиссияси томонидан 6 млрд. сўм ёки ўтган 2011 йил билан таққослаганда **20%** кўп миқдорда маблағлар давлат бюджети ҳисобидан йўналтирилмоқда. Шундан **2,3** млрд. сўмни давлат субсидияси ва **1,074** млрд.сўмни давлат ижтимоий буюртмаси ташкил этади.

Тасдиқланган режага асосан, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги ННТ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш Жамоат фонди томонидан жорий йилнинг **20** апрелидан бошлаб, **18** майига қадар ННТ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини ижтимоий аҳамиятга эга лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш учун **2** та танлов эълон қилинди.

**Биринчи грант танлови** ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга қаратилган муҳим давлат ва ҳудудий дастурларни амалга оширишда иштирок этишга, шу жумладан ёш оилаларни, ёшларни ва аёлларни қўллаб-қувватлаш, ҳуқуқий ва ижтимоий ҳимоя қилиш, республикамизнинг узоқ қишлоқ ҳудудларида уларни оилавий бизнес, касаначиликка, хусусий тадбиркорликнинг бошқа турларига кенг жалб қилишга қаратилган бўлиб, **2012** йилда мазкур йўналишдаги лойиҳаларни қўллаб-қувватлашга **1 110 млн. сўм** маблағ тақсимланди. Мазкур маблағ ўтган 2011 йил билан таққослаганда **23%** га ошди.

Мазкур танлов *жамиятда оила институти ва маҳалланинг ролини янада мустаҳкамлаш – ёш оилалар, аёллар ва ёшлар, аҳолининг бошқа қатламларини ҳар томонлама ижтимоий қўллаб-қувватлаш, оилавий бизнес, хусусий тадбиркорлик ва касаначилик, халқ ҳунармандчилиги, айниқса узоқ қишлоқ ҳудудларида, тадбиркорлик фаолияти шаклларини ривожлантиришга кўмаклашиш, ёшларни, энг аввало, касб-ҳунар коллежлари, академик лицейлар ва олий ўқув юртлари битирувчиларини тадбиркорлик фаолиятига жалб этишга шароитлар яратиш, аёллар ва ёшларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш, узоқ туманлар ва қишлоқ ҳудудларида уларнинг касбий таълимини яхшилаш, жамиятимизнинг маънавий асосларини янада ривожлантиришда оиланинг роли ва аҳамиятини ошириш, азалий миллий қадриятларимизни мустаҳкамлаш, жамиятимизда юқори одоб-ахлоқ тамойиллари ва соғлом турмуш тарзини кенг йўлга қўйишда кўмаклашиш, жамиятимизда аҳолининг ҳуқуқий онгини, инсон ҳуқуқлари маданиятини ошириш, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари томонидан қонун ҳужжатларининг ижро этилиши устидан жамоатчилик назоартини амалга оширишнинг самарали механизмларини ишлаб чиқаришда фуқаролик жамияти институтларининг ролини кучайтириш* каби йўналишларда нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларининг муҳим ижтимоий аҳамиятга эга лойиҳаларини қўллаб-қувватлашга қаратилган.

**Иккинчи грант танлови** мустақил оммавий ахборот воситаларини (ОАВ) янада ривожлантириш, журналистларнинг касбий кўникмаларини такомиллаштириш, мамлакатимизда олиб борилаётган ислоҳотларнинг ошкоралиги ва очиқлигини таъминлаш, аҳолининг ҳуқуқий маданияти, ҳуқуқий билимлари ва ҳуқуқий онгини оширишга қаратилган бўлиб, жорий йилда **486 млн. сўм** миқдорда давлат гранти ажратилди. Ушбу кўрсаткич **2011** йил билан таққослаганда **62 %** га ошди.

Ушбу танлов *демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ қилиш жараёнларини ОАВда кенг ёритиш, "Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси"да белгиланган давлат ва жамият бошқарувининг устувор вазифаларини ҳал этишда нодавлат ОАВларнинг фаол иштирокини таъминлаш, давлат ҳокимияти органлари фаолияти ҳақида кенг жамоатчиликни хабардор қилиш, аҳоли ва жамоат бирлашмаларининг улар томонидан қабул қилинаётган, аввало, инсон ҳуқуқлари, эркинлиги ва қонуний манфаатларни ифода этадиган қарорлар ҳақида кенг маълумот олишларини таъминлаш, ахборот эркинлигини, аҳолининг маълумот олиш борасидаги конституцион ҳуқуқларини таъминлашда, шунингдек жамиятимизда содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларга ўзларининг фикр-мулоҳазаларини, қарашлари ва муносабатларини эркин баён этишларига зарур шароитлар яратишда нодавлат ОАВларнинг ролини ошириш, Ўзбекистонда ННТ ва фуқаролик жамияти институтларининг шаклланиши ва ривожланиб бориш жараёнларини нодавлат ОАВларда кенг ёритилиши, нодавлат ОАВ томонидан давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти юзасидан жамоатчилик назоратини амалга оширишга кўмаклашиш, миллий матбуотнинг сифати, кадрлар маҳорати ва самарасини изчил ошириш, ОАВларнинг молиявий ва иқтисодий эркинлигини мустаҳкамлаш, ахборот соҳасида бозор муносабатларини ривожлантириш, аҳолининг экологик, тиббий ва ҳуқуқий маданиятини янада юксалтириш, аҳоли, ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, ҳуқуқий тарғибот ва инсон равнақи йўлидаги ишларни кенг ёритишда нодавлат ОАВларининг ролини ошириш, ўсиб келаётган ёш авлодни маънавий тарбиялаш, уларнинг дунёқараши, ахлоқини юксалтириш, уларда миллий қадриятлар ва ўз-ўзини англаш ҳиссини сингдириш* каби қуйидаги йўналишларда оммавий ахборот воситалари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларининг муҳим ижтимоий аҳамиятга эга лойиҳаларини қўллаб-қувватлашга қаратилган.

Битта лойиҳа учун **15 млн. сўм**гача грант маблағи ажратилиши кўзда тутилмоқда.

Мазкур танловларда вилоятда фаолият юритаётган ННТ ва фуқаролик жамияти институтлари фаол иштирок этади деб умид қиламиз.

**Акмал САИДОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги ННТ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш Жамоат фонди маблағларини бошқариш бўйича Парламент комиссияси раиси.**

**(Давоми. Боши 1-бетда).**

| Вилоятлар | Грант танловларида иштирок этган ННТлар сони | | | | Молиялаштирилган лойиҳалар сони | | | | Ажратилган маблағ (млн. сўм) | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | 2009 | 2010 | 2011 | Жами | 2009 | 2010 | 2011 | Жами | 2009 | 2010 | 2011 | Жами |
| Тошкент вилояти | 7 | 19 | 22 | 48 | 2 | 4 | 5 | 11 | 12,5 | 35,6 | 73,9 | 122,0 |

ШУНДАЙЛАР БОР БЎЛСИН



# ФАРОВОНЛИК – ОҚСОҚОЛНИНГ МАҚСАДИ

**Асли касби ўқитувчи бўлган Анвар Абдурашидов 20 йиллик тажрибага эга оқсоқол. Мана уч йилдирки, Чиноз тумани Яллама қишлоқ фуқаролар йиғинига раис. Ўтган йиллар давомида маҳалла институтини мустаҳкамлаш, қишлоқ инфратузилмасини кенгайтириш, аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, турли бузғунчи ғоялар таъсиридан ёшларни асраш каби хайрли ишларда ўзига хос мактаб яратди.**

– Анвар оқсоқол нафақат туманимизда балки, вилоятда фидойи ва моҳир маънавият тарғиботчиси сифатида маҳалла институти ривожига муносиб ҳисса қўшаётган фуқаролар йиғини оқсоқолларидан, – дейди Чиноз тумани ҳокимлиги ташкилий назорат гуруҳи раҳбари Шароф Эргашев. – Яллама қўшни Қозоғистон Республикаси билан чегарадош бўлгани сабабли хавфсизлик ва огоҳлик, диний экстремизмнинг олдини олиш каби масалалар оқсоқолнинг доимий эътиборида.

Қишлоқдаги 2449 хонадонда 15 минг 329 аҳоли яшайди. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, қишлоқ инфратузилмасини кенгайтириш ва ободонлаштириш йил сайин кучаймоқда.

– 10 та маҳалла фуқаролар йиғини жамоатчилик асосида иш юритмоқда,– дейди Анвар Абдурашидов. – Улар фаолиятини такомиллаштириш мақсадида давлат ҳисобидан молиялаштириш таклифини бердик. 5 маҳалла йиғини учун бино ажратилди, 6 та компьютер ва хона жиҳозлари билан таъминланди.

Аҳолини табиий газ ва ичимлик суви билан таъминлаш, янги йўллар қуриш, ёрдамга муҳтож оилаларни ижтимоий муҳофаза қилиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, томорқалардан самарали фойдаланиш ишлари фаоллашмоқда. Жумладан, сўнгги 3 йилда 55 хонадон газлаштирилиб, 1,8 км. ичимлик суви қувурлари ва 2,2 км. электр симлари тортилди, 5,7 км. ички йўллар асфальтланди. Шунга қўшимча фуқароларга 22 миллион сўмдан зиёд моддий ёрдам кўрсатилди.

Маҳаллада 50 дан зиёд кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ишлаб чиқариш билан шуғулланмоқда ва аҳолига савдо, сервис хизмати кўрсатмоқда. Бундан ташқари "Яллама", "Динмуҳаммад-Агро", "Болтабой-ота", "Равшанбек-ҳаёт", "Шарифбой ота", "Самар" каби фермер хўжаликларига 100 нафардан зиёд ёшлар ишга жойлаштирилди.

Аҳоли томорқаси 131 гектар бўлиб, 4 гектарли иссиқхона, 65 гектар мевали боғ, 20 гектарда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирилмоқда.

**Равшан ЁҚУБЖОНОВ,**
**"Тошкент ҳақиқати" мухбири.**

**СУРАТДА:** оқсоқол барча юмушларни бамаслаҳат бажаришга одатланган.

**Еркебой БОТИРОВ олган сурат.**

**Гулбаҳор саноат касб-ҳунар коллежида спорт мусобақалари, таниқли санъаткорлар билан учрашув, қувноқлар ва зукколар конкурслари тез-тез ўтказиб турилади. Кейинги 5 йилдан буён ўқитувчилар ўртасида "Балли, устозлар" кўрик-танловини ўтказиш ҳам анъанага айланди.**

# БАЛЛИ, УСТОЗЛАР!

Яқинда ўтказилган навбатдаги танловда устозлар қуръа ташлаш йўли билан бешта жамоага бўлиниб, саломлашув тартиб-одоби, қисқа ва тез савол-жавоб, фикрни имо-ишона билан ифодалаш, қувноқ эстафета ва эркин мавзу шартлари бўйича мусобақалашдилар. Кўрик-танлов қизиқарли баҳс-мунозараларга бой бўлиб, ҳар бир жамоа аъзолари ўз маҳоратларини саҳнада намойиш этишди.

Ҳайъат аъзоларининг якуний хулосасига мувофиқ 1-ўринни "Қувноқлар", 2-ўринни "Зиёлилар", 3-ўринни "Бирдамлик" жамоалари эгаллади. Ғолиблар муносиб тақдирланишди.

**Ҳикматилла ТУЛИБОЕВ,**
**коллеж ўқитувчиси.**

ПИЛЛА – 2012

# ҚУРТ ТЎЙСА, ТЎҚ ПИЛЛА ЎРАЙДИ

**Чиноз тумани пиллакорлари бу мавсумда 2400 қути ипак қурти парваришлади. Озуқа базаси мустаҳкам бўлгани, ипак қурти босқичма-босқич тўйдириб боқилгани боис пилла мўл ва сифатли бўлди.**

Туманда ҳар йили эҳтиёжга қараб янги тутзорлар барпо этилади, мавжудлари кенгайтирилади. Ҳозир тутзорлар 281 гектарга, якка тутлар 350 минг тупга етди. Жумладан, бу йилнинг ўзида 26 минг тут кўчати қадалди.

Яратилаётган мустаҳкам озуқа базаси келажакда "кумуш тола" ҳосили янада сифатли ва мўл бўлишини таъминлайди.

– Бу йил 140 тонна пилла етиштириш режалаштирилган, – дейди туман бош пиллахонаси раҳбари Зулфия Имомқулова. – Бунинг учун ҳар қутидан 60 килограммдан ҳосил олишимиз керак. Шу мақсадда 228 фермер хўжалиги билан шартнома имзоланди. Ўндан ортиқ фермерларимиз шартнома режасини аллақачон ортиғи билан бажаришди.

– Режани биринчилардан бўлиб бажардик, – дейди "Ҳикматилла Йўлдошев" фермер хўжалиги раҳбари Ҳабибулла Йўлдошев. – Мавсумда тўққиз қути пилла уруғини жонлантирдик. Режадаги 400 килограмм ўрнига 600 килограммдан ошириб ҳосил топширдик.

**Равшан НЕЪМАТОВ.**



**СУРАТДА:** фермер Ҳабибулла Йўлдошев ва пиллакор Гулнора Қулматова.

**Даврон АҲМАД олган сурат.**

# САЛОМАТЛИК ЙЎЛИДАГИ ЭЗГУ ҲАМКОРЛИК

**Корея Республикасидан келган бир гуруҳ тажрибали жарроҳлар онкология диспансери бўлимида даволанаётган беморларни тиббий текширувдан ўтказишди.**

"Ҳаёт учун!" кўкрак бези саратони миллий уюшмаси, "Аёллар кенгаши" республика жамоат бирлашмаси, Чоннам миллий университетининг "Хвасун" клиникаси ҳамда Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда ўзбек аёлларига саратон касалликлари профилактикаси ҳақида маълумот бериш, йиллик кўкрак безлари тиббий назоратидан ўтиш заруратини тушунтириш ҳамда уларга бепул маммографик кўрикдан ўтиш имконини яратиш, икки мамлакат жарроҳларининг тажрибасини оммалаштириш масалалари илгари сурилди.

**"Туркистон-пресс".**

МАТБУОТ АНЖУМАНИ

# ОИЛАВИЙ БИЗНЕСГА КРЕДИТ

**Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Миллий матбуот марказида "Мустаҳкам оила йили: оилавий бизнес ва фаровонликни молиявий қўллаб-қувватлаш" мавзуида матбуот анжумани ўтказди.**

Тижорат банклари кичик бизнес субъектларини, айниқса, оилавий тадбиркорларни молиявий қўллаб-қувватлаш, таълим муассасаларини битирувчи ёшларнинг бизнес режаларини молиялаштириш масалаларига катта эътибор қаратаётгани анжуманда алоҳида таъкидланди. Улар кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг бизнес режаларини молиялаштириб, мамлакатимизда оилаларни мустаҳкамлашга қаратилган устувор вазифалар ижросини, аҳоли бандлигини таъминлаш ва янги иш ўринлари ташкил қилишга, шу тариқа аҳолининг турмуш фаровонлигини оширишга ҳисса қўшмоқда.

**Юлдузхон ФАЗЛИДДИНОВА.**

## «AGRO SANOAT MULK MARKAZI» МЧЖ очиқ аукцион савдоларига таклиф этади!

Бошланғич нархи босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига Чилонзор туман СИБ томонидан савдога қўйилган: Тошкент шаҳри, Мўйноқ кўчаси, 241-уйда жойлашган "Шаркли Мелиса" МЧЖ жарима майдончасида сақланаётган, 1. 23.02.2012 йилдаги ҳукмига асосан хатланган, 2008 йилда и/ч., дав.бел. 10 BG 261 бўлган "Лада-1117" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи – 18 142 000 сўм. 2. 28.02.2012 й., 2-211/16-12-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 2005 йилда и/ч., дав.бел. 30 N 9030 бўлган "Нексия" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи – 20 151 000 сўм. 3. 23.02.2012 йилдаги ҳукмига асосан хатланган, 2009 йилда и/ч., дав.бел. 01 266 JAA бўлган "Нексия" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи – 21 315 000 сўм.

Аукцион савдоси 2012 йил 26 июнь куни соат 11.00 да Тошкент шаҳри, Қушбеги кўчаси, 18-уйда ўтказилади. Талабгорлар диққатига! Юқоридаги автотранспортлар аукцион савдосида сотилмаган тақдирда, ушбу автотранспортларни сотиш юзасидан такрорий аукцион савдоси 2012 йил 12 июль куни бўлиб ўтишини маълум қиламиз.

2012 йил 12 июнь куни соат 11.00 да бўлиб ўтадиган такрорий очиқ аукцион савдоларига қуйидагилар қўйилмоқда:

1. Ҳамза туман СИБ томонидан 24.08.2011 й., 28-11/2011-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Мўйноқ кўчаси, 241-уйда жойлашган "Шаркли Мелиса" МЧЖ жарима майдончасида сақланаётган, 1994 йилда и/ч., дав.бел. 30 R 6680 бўлган "Хундай Элантра" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи – 10 260 000 сўм. 2. Шайхонтоҳур туман СИБ томонидан 28.07.2011 й., 12406/6-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳар ИИББ жарима майдончасида сақланаётган, 1989 йилда и/ч., дав.бел. 10 X 9239 бўлган "ЗАЗ 968" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи – 679 896 сўм. 3. Шайхонтоҳур туман СИБ томонидан 05.05.2011 й., 7194/6-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳар ИИББ жарима майдончасида сақланаётган, 1978 йилда и/ч., дав.бел. 01 R 837 GA бўлган "ВАЗ 2106" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи – 3 116 534 сўм. 4. Шайхонтоҳур туман СИБ томонидан 09.12.2011 й., 21381/6-сонли ижро варақасига асосан хатланган, "Шайхонтоҳур инвест" жарима майдончасида сақланаётган, 2008 йилда и/ч., дав.бел. 01 Q 374 AA бўлган "Нексия" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи – 22 540 000 сўм. 5. Шайхонтоҳур туман СИБ томонидан 09.12.2011 й., 21382/6-сонли ижро варақасига асосан хатланган, "Шайхонтоҳур инвест" жарима майдончасида сақланаётган, 2008 йилда и/ч., дав.бел. 01 A 312 JA бўлган "Эпика" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи – 49 875 000 сўм. 6. Сирғали туман СИБ томонидан 05.12.2011 й., 1-498/2011-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент вилояти Зангиота тумани ЙПХ жарима майдончасида сақланаётган 2010 йилда и/ч., дав.бел. 01 M 000227 бўлган "Каптива" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи – 53 622 000 сўм. 7. Сирғали туман СИБ томонидан 05.12.2011 й., 1-498/2011-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент вилояти Зангиота тумани ЙПХ жарима майдончасида сақланаётган, 1991 йилда и/ч., дав.бел. 01 M 002302 бўлган "Зил ММЗ-4502" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи – 10 683 900 сўм.

Ушбу савдоларда қатнашиш учун талабгорлар мулк бошланғич баҳосиннг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда заклат пулини ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда "Agro sanoat mulk markazi" МЧЖнинг қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000804948004002, ОАТБ "Капиталбанк"-нинг Мирзо Улуғбек филиали, МФО 01018, ИНН 302159464.

Савдога қўйилган мол-мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлимининг вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан ариза ва ва бошқа тегишли ҳужжатларни қабул қилиш кимошди савдоси ўтказилишига бир кун қолганда тўхтатилади.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Қушбеги кўчаси, 18-уй. Тел.: 250-83-29.

UZTELECOM

«ТОШКЕНТ ШАҲАР ТЕЛЕФОН ТАРМОҒИ» ФИЛИАЛИ

*Тошкент шаҳри аҳолиси ва меҳмонлари диққатига!*

Тезкор ва маълумот хизматлари телефон рақамларини Халқаро стандартлар талабига мослаштириш мақсадида, ҳозирги мавжуд рақамларни янгиларига алмаштирилиши назарда тутилмоқда. Алмаштириш даври мобайнида маълумот-сўров хизматлари билан "0" орқали уланганидек, "1" рақами орқали ҳам уланиш мумкин.

- «01» (ёнғин хавфсизлиги хизмати) – «101»
- «02» (милиция) – «102»
- «03» (тез тиббий ёрдам) – «103»
- «04» (газ хизмати) – «104»
- «050» (қутқарув хизмати) – «1050»
- «0хх» (бошқа хизматлар) – «10хх»

Маълумот учун телефон: 200-31-31

«Ўзбекистон почтаси» ОАЖ | Барча турдаги коммунал тўловларини қабул қилади | Почта алоқаси хизматларидан фойдаланинг! | Тел: 233-57-47 Сайт: www.pochta.uz; e-mail: oao@post.uz

# XXI аср ва дунё

## ҚАЛБАКИ ПРЕПАРАТЛАР САВДОСИ АВЖ ОЛМОҚДА

**Швецияда қалбаки дори препаратларини интернет орқали сотувчи уюшган жиноий гуруҳлар сони тобора ортмоқда.**

"Дагенс Нюхетер" нашрининг ёзишича, мамлакатда қалбаки препаратлар олди-сотдиси билан шуғулланувчи кишиларга нисбатан қаттиқ жазо қўлланилмайди. Шу боис бундай жиноят ортидан бойлик тўплаш илинжидаги жиноий гуруҳлар сони кўпаймоқда. Асосан семиришга қарши сифатсиз дориларнинг умумий савдоси ҳажми 900 миллион кронга (тахминан 100 миллион еврога) тенг. Мутахассислар ушбу иллатнинг олдини олиш учун жазони кучайтириш лозимлигини таъкидламоқда.

## ҚАНДЛИ ДИАБЕТ ҚУРШОВИДА

**Данияда қандли диабет хасталигига чалинган беморлар сони кескин ошмоқда.**

Маҳаллий оммавий ахборот воситаларининг тарқатган маълумотларига қараганда, бу касалликка чалинганларни даволаш мамлакат учун жуда қимматга тушмоқда. Хабарларга кўра, Данияда сўнгги 10 йил ичида бундай беморлар сони саксон фоиз ошган. Шифокорлар бу кўрсаткич яқин орада янада ўсиши мумкинлигини таъкидламоқда.



## ФРАНЦИЯДА СУВ ТОШҚИНИ

**Бир неча кундан буён тинмай ёғаётган ёмғир оқибатида Франциянинг Нанси шаҳри сув остида қолди. Маълумотларга кўра, йўлларда автомобиль ҳаракати, шаҳардаги мактаблар фаолияти вақтинча тўхтатилган.**

Табиий офат электр тармоқларини ишдан чиқарган, минглаб одамлар электр энергиясиз қолган. Ноқулай об-ҳаво шароити оқибатида бир неча одам ҳалок бўлган ва жароҳатланган.

Шаҳар мэри Андре Росинонинг сўзларига кўра, Нансида фавқулодда ҳолат эълон қилинган. Сув тошқини Франциянинг Аячо, Аксе ҳудудларига ҳам катта зарар етказган.

**НИГОҲ**

# ТОЖИК АТЛАНТИДАСИ

**Маълумки, ўтмишда турли-туман дастурларни амалга оширишга зўр берилиб, кўпдан-кўп бўлмағур ишлар қилишдики, энди уларни фақат афсус билан эслаш мумкин. Ўзининг аянчли қисмати боис "Рус Атлантидаси" номини олган Молога шаҳри ҳамда аҳолисининг тақдири охирини ўйламай қилинган номаъқулчиликка яққол мисол бўла олади. Мана ярим асрдан ошдики, бу шаҳар Рибин сув омбори қаърида кўмилиб ётибди. Саккиз аср яшаган шаҳар навбатдаги "аср қурилиши" қурбонига айланди.**

1935 йилнинг 14 сентябрь санаси Ярославл вилоятида яшаб турган 130 минг киши, шу жумладан, Молога аҳолиси учун ҳам қора кун бўлди. Собиқ иттифоқ ҳукумати ўша куни Рибин ва Углич гидроузеллари қурилишини бошлаш ҳақида қарор қабул қилди. Дастлабки лойиҳага кўра, Рибин сув омбори тўғонининг баландлиги денгиз сатҳидан 98 метр юқорида бўлиши керак эди. Шунда Мологанинг бир қисмигина сув остида қоларди. Бироқ, 1937 йилнинг 1 январига келиб, лойиҳа қайта кўриб чиқилди. Рибин ГЭСи қувватини бир ярим баравар ошириш мақсадида сув омбори қирғоғини яна 4 метр кўтаришга қарор қилинди.

Молога аҳолиси бунга қарши бўлмади. Негаки, улар юртларининг ер юзидан йўқ бўлиб кетишини, яъни сув қаърида қолишини, ўзлари эса, аждод-авлодлари туғилган ва дафн этилган қадрдон жойларини ташлаб кетишга мажбур бўлишларини, ҳатто, хаёлларига ҳам келтирмаган эдилар. Шу сабабли кўплаб мологаликлар ўз уйларини ташлаб чиқиб, янги жойда ватан қуришдан бош тортдилар, бундан кўра ўз Ватанларида ўлиб кетишни афзал билдилар.

Аммо, "Партия қарорлари – ҳаётга!" шиорига кўр-кўрона ёпишиб олган ҳукумат раҳбарлари ўз билганларидан қолмадилар ва ГЭС қурилиши кенг кўламда бошлаб юборилди. Халқ эса бундан бехабарлигича қолаверди. Оқибатда омбор сувга тўлдирилгач, бутун бошли Молога шаҳри ва аҳолининг бир қисми, 26 минг хонадонга эга 700 та қишлоқ "ғойиб" бўлди. Қимматли тарихий ва маданий аҳамиятга молик 140 та черков, 3 та монастир, ўнлаб зодагонларнинг ҳовли-жойлари сув остида қолди.

Бугун, билиб туриб содир этилган ўша ҳалокатдан сўнг 70 йил ўтиб, мологаликларнинг ҳозирги авлодлари сувга ғарқ бўлган Ватанларига тез-тез келишиб, советча "катта кетиш" (гигантомания) қурбонлари бўлган аждодлари хотирасига ҳурмат бажо келтиришади. Бугун улар бир масалада якдиллар. Яъни, бугунги авлоднинг асосий вазифаси ўшандай машъум нохушликларга ҳеч қачон йўл қўймасликдан иборат.

Лекин, афсуски, бугун XXI асрда ҳам шундай одамлар топиляптики, улар собиқ иттифоқ ҳукуматига тақлид қилмоқдалар. Шу ўринда Тожикистонда, Марказий Осиё минтақасидаги трансчегара дарёлари узра қурилаётган Роғун ГЭСини мисол қилиб кўрсатиш жоиз. Роғун ва Рибин ГЭСлари бир-биридан бир тук ҳам фарқ қилмайди.

Хуллас, Роғун қурилишининг бошида тўғоннинг баландлигини 285 метр қилиш режалаштирилган эди. Шунда сейсмик бардошлилик ва техноген омиллар жиҳатидан хавф-хатар камроқ бўлади, деб ҳисобланганди. Агар Рибин ГЭСи тўғони лойиҳадагидан бор-йўғи 4 метр баландга кўтарилган ва шунча фалокатлар келтирган бўлса, Тожикистон раҳбарлари улардан ошиб тушдилар. Улар тўғоннинг баландлигини 335 метрга етказиш, яъни 50 метр қўшишни таклиф этдилар. Юқори сейсмик фаоллик зонасида бу даражада баланд тўғон қуриш нафақат хавфли, балки фалокатли эканлиги илмий жиҳатдан исботлаб берилганига қарамай, Тожикистон ҳукумати қулоғига пахта тиқиб олиб, тутуруқсизлик, мантиқсизлик қилмоқда.

Рибин гидроузели бошига тушганидек, Роғун ГЭСи қурилиши муносабати билан 63 та қишлоқ ва аҳоли пунктларидан 46 минг кишини кўчиришга тўғри келади. Тожикистон раҳбарлари "қаерда нима қуриш масаласида мустақил ҳуқуққа эга эканликлари"ни қайта-қайта такрорлаб, шу ўринда ўз фуқаролари тақдирини унутиб қўяётган кўринадилар. Зеро, 2015 йилга қадар Роғун шаҳри ва Нуробод туманидан 4726 та оила кўчирилиши керак бўлади. Бу эса, Сичарог, Ҳакимий, Мучиҳарф, Комсомолобод, Самсолиқ аҳоли пунктларида яшаб турган 30 мингдан зиёд киши бошпанасидан жудо бўлади дегани.

Роғун ГЭСи биринчи навбати қуриладиган жойга туташ шаҳар ва қишлоқларнинг ўнминглаб аҳолиси 70 йил бурунги Молога шаҳри фуқаролари сингари бугун ўз уй-жойларини ташлаб кетишдан бош тортмоқдалар. Уларни тўғон тиклангач, ўнлаб қабристонларнинг сув остида қолиши ташвишлантирмоқда. Зеро, бу ердаги қабрларда аждодларининг ҳоки ётибди. Аҳолисининг 90 фоизи мусулмонлардан иборат Тожикистонда бу куфр ҳамда аждодлар хотирасига ҳурматсизлик ҳисобланади.

Қолаверса, мажбуран кўчирилганлар ўз уйларини давлат жуда паст даражада нархлаганидан норозилар. Негаки, ҳукумат бераётган товон пулига бугунги шароитда кичкинагина кулба ҳам қуриб бўлмайди. Оммавий ахборот воситаларининг гувоҳлик беришича, Роғун гидроиншооти қурила бошлагандан буён маҳаллий ҳокимият раҳбарлари 1200 кишинигина кўчиришга эришдилар холос. Қолган 40 мингга яқин кишиларнинг тақдири эса ҳамон номаълум.

Етмиш йил бурун собиқ иттифоқ ҳукумати Рибин ГЭСи қурилишини деб Молога шаҳрини одамлари билан бирга сувга ғарқ қилган эди. Ўзларини тутишларига қараганда, бугун Тожикистон раҳбарлари айнан шундай қилмоқчи кўринадилар.

Аҳолининг ўз Ватанини ташлаб кетишни истамаётгани ва Роғун ГЭСи қурилишига қарши норозилик билдираётгани мамлакат раҳбарларини ҳозирча тўхтатолмаяпти. Тожикистон ҳукумати ўз зиммасига олган халқаро мажбуриятлари ҳамда ўз халқи норозилигига зид ўларок Роғун қурилишини давом эттирмоқда.

Бу ҳол айрим экспертлар ва оддий одамлар олдига ҳам қатор жиддий саволларни кўндаланг қўймоқда: "Ўз Ватанларини ташлаб кетишни истамаётган ёки ташлаб кетолмайдиган Тожикистон Республикаси фуқаролари бошига ҳам наҳотки Молога шаҳри аҳолиси қисмати тушиб, сувга ғарқ бўладилар? Наҳотки, Роғун шаҳри ва унинг ён-атрофи "Тожикистон Атлантидаси"га, аҳолиси эса тожикча "аср қурилиши"нинг қурбонига айланади?

Айнан шунинг учун ҳам улар Марказий Осиё мамлакатлари жамоатчилиги ҳамда халқаро институтларни ҳали вақт борида Роғун ГЭСи лойиҳасини амалга оширишнинг олдини олиш учун бор имкониятларни ишга солишга чақирмоқдалар.

**Сухроб АБДУЛЛОЕВ,**
**мустақил сиёсатшунос.**
**Душанбе.**

**ЎзА ва интернет хабарлари асосида тайёрланди.**

**КЎРГАЗМА**

# БИЗНИНГ МЕРОС

**Ўзбекистон Бадиий академиясининг марказий кўргазмалар залида Ўзбекистон санъат усталарининг Бадиий кўргазмалар дирекцияси тўпламларида сақланаётган рангтасвир, графика ва ҳайкалтарошлик санъатига оид асарларининг ретроспектив кўргазмаси намойиши давом этмоқда.**

Халқаро музейлар кунига бағишлаб "Бизнинг мерос" туркумида ўтказилаётган кўргазмада ўтган асрнинг 1930-1950 йилларида ижодини бошлаб, Ўзбекистон тасвирий санъати шаклланишида мактаб яратган рассомлар асарлари ўрин эгаллаган. Бу авлод вакиллари уруш олди ва урушдан кейинги даврнинг оғир синовлари шоҳиди бўлишган. Уларнинг кўпчилиги ўқиш ва ижодларини тўхтатиб, урушга отланишган, фашизмга қарши жангларда бевосита иштирок этишган.

Экспозициядаги рангтасвир асарларда кундалик ҳаётимиз, уруш ва ундан кейинги йиллардаги турмуш тарзининг айрим қирралари, халқимиз бунёдкорлиги, бағрикенглиги, тарихий шаҳарларимиздаги меъморий ёдгорликлар, юртимизнинг гўзал табиати, турли касб эгалари, маданиятимиз арбоблари, меҳнати шарафланган замондошлар портретлари акс этган.

Кўргазмага қўйилган қишлоқ ҳаёти мавзусидаги асарларда гўзал табиат, турли касб эгалари тасвирланган "Хумсон қишлоғи", "Чотқол чўққиси", "Сари Челак", "Дала шийпонида", "Сигир соғувчи портрети", "Чўпон портрети", "Ер ўғиллари", "Қишлоқдаги тегирмон", "Механизаторнинг тушлик пайти" ва бошқа кўплаб асарларда таниш сиймолару ҳудудларни кўрамиз. Биз бу асарларда ижодкорларнинг беғубор қарашлари ва самимийлигини сезамиз. Рангтасвир асарлар билан бирга ҳайкалтарошлар асарлари ҳам экспозициядан ўрин эгаллаган бўлиб, ижодкорлар ўз замондошлари портретларини моҳирона яратганлар. Кўргазмада асарлари намойиш этилаётган ижодкорлар орасида ўзбек рассомларининг бир неча авлод вакилларига таълим берган педагоглар ҳам анчагина.

Ўз даврининг машҳур усталарининг ижодий мероси кўргазмага қўйилгани уларнинг хотирасига иззатикром кўрсатишдангина иборат эмас. Уларнинг асарлари ёш рассомлар ва санъат ихлосмандлари учун маънавиятимиз илдизларини, юртимиз тарихи мазмун-моҳиятини тушуниш ва уни чуқур ҳис қилиш ҳамда ўзлигимизни англаш йўлидаги бебаҳо имконият ҳамдир.



Кўргазма шу йилнинг 15 июнига қадар давом этади.

**Ҳасан АБДУНАЗАРОВ.**

**БОЛАЛАР ЁЗИ – 2012**



# МАВСУМ ТАДОРИГИ

**Ҳадемай ўқув йили якунланиб, болажонлар вилоятимиз оромгоҳларига йўл олишади. Бўстонлиқ туманидаги "Автомобилчи" болалар дам олиш оромгоҳида мавсумга жиддий тайёргарлик кўрилди.**

– Боғимизда 3500 дан ортиқ олма, олхўри, гилос, ўрик, бодом, ёнғоқ, беҳи, олча каби мевали дарахтлар бор, – деди оромгоҳ раҳбари Анвар Очилов. – Айримлари ҳосилга ҳам кирган. Бундан ташқари, 100 та дуб дарахти, бир ярим мингта арча, 600 та терак, 100 та қарағай дарахтлари ушбу масканга файз киритиб турипти. Гулзорларга 3 мингта турфа гуллар экилган.

Оромгоҳ 360 ўринли. Икки қаватли тўртта корпус, 250 ўринли ошхона мавжуд. Шунингдек, маънавият хонаси, кутубхона, радиоузел, футбол, волейбол, баскетбол ва бошқа спорт майдончалари, сув ҳавзаси таъмирлаб қўйилди. 14-15 июнь кунлари болаларнинг биринчи гуруҳини қабул қилиб оламиз.

"Радуга" оромгоҳида ҳам тайёргарлик қизғин давом этмоқда.

**Азамат АҲМЕДОВ.**

СУРАТДА: (чапдан) Нилуфар Болтабоева, Анвар Очилов ва Нодира Рўзибоева мавсумга тайёргарлик жараёнида.

**Даврон АҲМАД олган сурат.**

**МУНОСАБАТ**

# САДАҚАГА АЛДАНМАНГ

Инсон ҳаётда асосан бир мақсад сари интилади. Яъни ўз ҳаёт тарзини яхшилик, эзгулик пойдевори устига қуриб, умр бўйи бахт-саодатда яшаш учун замин яратади. Аммо телевидениеда намойиш этилган "Ватангадо" фильмини кўриб, баъзи ёшлардан хафа бўлдим.

Қаранг, фильмда кўрсатилганидек, гуноҳларига иқрор бўлиб, кўзидан пушаймон ёшларини оқизиб ўтирган ўша йигит Муҳаммадсолиҳ деган кимса билан интернет орқали танишганмиш, унинг ёлғон ваъдаларига учиб, берган тарикча садақасига маҳлиё бўлиб, ўз ватандошларини разиллик гирдобига ташлашга рози бўлганмиш. Бундай калтабинликни ҳеч ҳазм қилиб бўлмайди. Айниқса, уларнинг бузғунчи мақсадларидан хабардор бўла туриб, шу ишга қўл ургани асло кечирилмайди.

Юртимизда дин, эътиқод эркинлиги тўла таъминланган. Мусулмонларни бирлаштириш, уларни бир ерга тўплаш деган гапда ҳеч қандай мантиқ йўқ, бу мутлақо ортиқча. Чунки, юртимиз мусулмонлари ҳар доим дин амалларини эмин-эркин адо этишмоқда. Мусулмонларни бирлаштириш ғояси эса ғараз мақсадли ҳаракат бўлиб, диндорлар ўртасига раҳна солишга қаратилган. Яхшики, ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари бундай жирканч хатти-ҳаракатларни ўз вақтида аниқлаб, олдини олмоқда.

Шу ўринда бир мулоҳаза: юрт тинчлиги, халқ фаровонлигини таъминлаш нафақат ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларининг вазифаси, балки, барча фуқароларнинг ҳам бурчига айланмоғи лозим. Буни барчамиз, айниқса, ёшлар нафақат теран англаб етишлари, балки, ҳушёрлик ва огоҳликни бир дақиқа ҳам бўшаштирмасликлари зарур.

**Шароф ЭРГАШЕВ,**
**Чиноз тумани ҳокимлиги ташкилий-назорат гуруҳи раҳбари.**

# ТЎҚЛИККА ШЎХЛИК

Ҳар сафар гиёҳвандлик, у етаклайдиган боши берк кўча ҳақида сўз борганида, фарзандларим кўз ўнгимга келади. Наҳотки, бу балони тарқатишга уринаётган, шу орқали мўмай даромад топишни истаётганлар ўзларининг фарзандлари ҳам куни келиб, гиёҳванд бўлиб қолишини ўйламасалар?

"Оғуфурушнинг сўнгги манзили" фильмини кўриб, бундай разил иш билан шуғулланаётган кишилардан нафратландим. Бугун юртимизда ёш авлодни ҳар тарафлама баркамол инсонлар қилиб тарбиялашдек хайрли ишга давлат сиёсати даражасида эътибор қаратилаётган бўлса-ю, нафсининг қулига айланган айрим кимсаларнинг авлодлар пайини қирқувчи иллатни урчитаётганлари кечириб бўлмас гуноҳи азимдир.

Бекободлик фермер аёл Каромат Сулаймонованинг хатти-ҳаракати эса, жўн қилиб айтганда, ҳеч қандай қолипга сиғмайди. Фаровон яшаш имконияти бўла туриб, наркобизнес орқали бойлик орттирмоқчи бўлгани назаримда, тўқликка шўхликдир. Ўзимизнинг юртдошларимиз шундай ишларга қўл ургандан кейин ўзгалардан нимани кутиш мумкин?

Бундайларга қарши аёвсиз курашиш лозим. Акс ҳолда баъзи ҳаром бойлик ортидан қувган кимсалар бунданда баттарроқ ишларга қўл уришлари эҳтимолдан ҳоли эмас.

**Мавлуда МУСАЕВА,**
**академик лицей ўқитувчиси.**


# «CONTINENTAL ESTATE ADVISORY GROUP» МЧЖ
## танлов асосида ўтказиладиган савдоларга таклиф этади!

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 25 майдаги 147-сонли қарори, Бўстонлиқ туман ҳокимининг 2012 йил 15 майдаги 534-сонли қарори асосан тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш мақсадида юридик ва жисмоний шахс ер майдонларидан доимий фойдаланиш ҳуқуқи қўйилмоқда:**

1. Бўстонлиқ тумани, "Бўстонлиқ" ҚФЙ, "Юсупхона" қишлоғи ҳудудида 1,85 га дам олиш оромгоҳи ва маиший хизмат кўрсатиш мажмуаси ҳамда пляж барпо этиш учун, бошланғич нархи – 6 050 758 сўм.

2. Бўстонлиқ тумани, "Хўжакент" ҚФЙ ҳудудида 5,0 га дам олиш оромгоҳи қурилиши учун, бошланғич нархи – 16 353 400 сўм.

3. Бўстонлиқ тумани, "Бўстонлиқ" ҚФЙ, Юсупхона қишлоғи ҳудудида 0,90 га дам олиш оромгохи қурилиши учун, бошланғич нархи – 2 943 612 сўм.

4. Бўстонлиқ тумани,"Чорбоғ" ҚФЙ, "Нурчилар" маҳалласи ҳудудида 0,60 га маданий-маиший хизмат кўрсатиш мажмуаси қурилиши учун, бошланғич нархи – 2 894 074 сўм.

5. Бўстонлиқ тумани, "Хўжакент" ҚФЙ ҳудудида 1,0 га коттеж типидаги дам олиш оромгоҳининг қурилиши учун, бошланғич нархи – 3 270 680 сўм.

6. Бўстонлиқ тумани, "Бўстонлиқ" ҚФЙ ҳудудида 3,0 га дам олиш оромгоҳи қурилиши учун, бошланғич нархи – 9 812 040 сўм.

7. Бўстонлиқ тумани, "Чимган" ҚФЙ ҳудудида 1,5 га ресторани бўлган меҳмонхона қурилиши учун, бошланғич нархи – 4 906 020 сўм.

Танлов шартлари Бўстонлиқ туман Архитектура ва шаҳарсозлик булими томонидан тайёрланган шаҳарсозлик топшириғи асосида белгиланади. Шаҳарсозлик топшириғи нусхаси талабгорларга танлов ҳужжатлари билан бирга тақдим этилади. Мажбуриятларни бажариш танлов ғолиби танлов мажбуриятларини бажариш тўғрисида шартнома тузилган кундан бошлаб белгиланган муддатда амалга оширилиши лозим.

Танловда иштирок этиш учун талабгорлардан буюртмаларни қабул қилиш эълон матбуотда чоп этилгандан бошланади ва 2012 йилнинг 23 июнь куни соат 18.00 да тўхтатилади.

Талабгорлар танловда қатнашиш учун буюртманома берилишидан олдин танлов ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувга асосан ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи минимал қийматининг 10 фоизи миқдорида закалатни закалат келишувига асосан танлов ташкилотчисининг мазкур билдиришномада кўрсатилган банк ҳисоб рақамига тўлашлари шарт.

Танлов қатнашчиларининг таклифлари қайд этилган конвертлар Бўстонлиқ туман ҳокимлиги биносида 2012 йилнинг 25 июнь куни соат 11.00 да очилади ва 2012 йил 25 июнь куни соат 16.00 да мазкур ҳокимлмк биносида танлов ғолиби аниқланади. Комиссия томонидан танлов таклифи энг яхши деб эътироф этилган талабгор танлов ғолиби деб топилади.

Юқоридаги ер майдонидан фойдаланиш ҳуқуқи 2012 йилнинг 25 июнь куни сотилмаган тақдирда мазкур ер майдонлари юзасидан такрорий танлов савдолари 2012 йилнинг 2 ва 9 июль кунлари соат 11.00 да бўлиб ўтиши маълум қилинади.

Такрорий танловда иштирок этиш учун талабгорлардан буюртманомаларни қабул қилиш 2012 йил 29 июнь ва 6 июль кунлари соат 18.00 да тўхтатилади.

Такрорий танлов иштирокчиларининг таклифлари қайд этилган конвертлар Бўстонлиқ тумани ҳокимлиги биносида 2012 йил 2 ва 9 июль кунлари соат 11.00 да очилади ва шу куни соат 16.00 да танлов ғолиби аниқланади.

Ер участкаларига бўлган чекланган (мажбуриятлар олинган) ҳуқуқлар мавжуд эмас.

Танлов ташкилотчиси: "Continental estate advisory group" МЧЖ.

Танлов ташкилотчиси манзили: Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, А. Навоий кўчаси, 2/3-уй, тел.: (+99895) 170-11-40, факс: (8371) 241-80-60, e-mail: davr1111@gmail.com, лицензия RR0035.

Танловда қатнашиш истагида бўлган талабгорлар танлов ташкилотчисидан танлов ҳужжатларини энг кам ойлик иш ҳақининг бир баробари миқдоридаги ҳақ эвазига олади.

Талабгорлар танловда иштирок этиш учун танлов ташкилотчисига буюртма хат билан бирга қуйидаги ҳужжатлар илова қилинган буюртманомани икки нусхада тақдим этади:

- юридик шахслар – давлат рўйхатидан ўтганлик тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, шунингдек, ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат нусхаси илова қилинган ҳолда унинг танловда қатнашиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома;
- жисмоний шахслар – паспорт нусхаси (якка тадбиркор сифатида фаолият юритаётган жисмоний шахслар давлар рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси), танловда ваколатли вакил қатнашганда ваколатли шахснинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ҳолда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома;
- танлов ташкилотчисининг банк ҳисоб рақамига закалат тўланганлигини тасдиқловчи тўлов ҳужжатидан нусха;
- танлов ҳужжалари талабларига мувофиқ тузилиб муҳрларган конвертларга жойлаштирилган икки нусхадаги танлов таклифлари.

Тақдим этилган ҳужжатларнинг барча варақлари талабгорнинг имзоси, агар талабгор юридик шахс бўлса унинг муҳри ва ваколатли шахснинг имзоси билан тасдиқланган бўлиши керак.

Танлов ҳужжатларини олиш учун тўлов ва закалат пулини тўлаш учун танлов ташкилотчисининг банк реквизитлари: ОАТБ "Турон банк"нинг Миробод филиали, 20208000904916649001, МФО 00986, ИНН 301949454, ОКОНХ 83400.

Танлов ҳужжатлари ва қўшимча маълумотлар олиш учун манзил: Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, А. Навоий кўчаси, 2/3-уй.

Собир Раҳимов тумани ҳокимияти томонидан "SAG`BON-FAROBIY" уй-жой мулкдорлар ширкатига берилган "Далолатнома"си ва Статистика бошқармаси томонидан берилган "Гувоҳнома"си йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Объявление, опубликованное 28 сентября 2011 году в газете "Тошкент ҳақиқати" о ликвидации частного предприятия "NIG`MATILLA MUATTAR" (ИНН 301894629), **СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНОЙ.**

Частное предприятие "NIG`MATILLA MUATTAR" (ИНН 301894629), зарегистрированное отделом гос. регистрации субъектов предпринимательства хокимията Шайхантахурского района г. Ташкента за реестр. № 004999-06 от 14.03.2011г. сообщает о преобразовании в ООО "NIG`MATILLA MUATTAR".
Претензии принимаются по тел.: 470-00-61.

"OQ TEPA AVTOMOBILCHISI" МЧЖга тегишли бўлган қуйидаги:
"AT" серияли 1006837, 1054928, 1054929, 1007435, 1007432, 1096417, 1085649, 1007433, 1007434, 1054101, 1007436, 1085653, 1054926, 1085648, 1096416 рақамли лицензия карточкалари йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**


Тошкент вилояти "Матбуот тарқатувчи" шўъба корхонаси жамоаси "Матбуот тарқатувчи" акциядорлик компанияси Бош директории С. Ў. Нажбиддиновга укаси **Фарҳод НАЖБИДДИНОВ**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

"Ўзагросуғурта" ДАСК (ОАЖ) Тошкент вилояти дирекцияси жамоаси директор ўринбосари Алишер Муҳаммаджоновга падари бузруквори **Муҳаммаджон Жонузоқович УМИРЗОҚОВ**нинг вафоти муносабати билан ҳамдардлик билдиради.


ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА
Муассис: Тошкент вилояти ҳокимлиги

Бош муҳаррир
Убайдулла АБДУШОҲИДОВ

Манзилимиз: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.

Телефонлар:
Қабулхона: 233-64-95, 236-55-59, 233-58-85 (факс).
Бўлим муҳаррирлари ва мухбирлар: 233-12-83, 233-48-08.
Шартнома ва эълонлар: 236-55-54.
Ҳисоб-китоб бўлими: 233-54-10.

Тошкент вилояти Матбуот ва ахборот бошқармасида 2011 йил 12 январда 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.

Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Навбатчи муҳаррир Равшан ЁҚУБЖОНОВ
Навбатчи Юлдузхон МУҲИДДИНОВА
Саҳифаловчи Тоҳир МАҲМУДХЎЖАЕВ

Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади. Буюртма Г-542. Адади 12398. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. ISSN 2010-9318.

Ⓣ белгили материаллар – тижорат материаллари. "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. Нашр кўрсаткичи – 205. Босишга топшириш вақти – 20.00. Босишга топширилди – 19.35. 12345